



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 208 (12.269)

Баҳоси эркин нарҳда

## ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 11-12 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**

Ўзбекистон Президентининг ташрифи доирасидаги расмий тadbирлар 12 октябрь куни бўлиб ўтди. Озарбойжон раҳбарининг «Зуғулба» саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон ва Озарбойжон давлат мадҳиялари янгради. Ислам Каримов ва Илҳом Алиев фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Президентларнинг яқма-яқма учрашувида Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги икки ва кўп томонлама муносабатларга тааллуқли кенг қўламли масалалар муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва глобал аҳамиятга эга муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Сўнгра давлат раҳбарлари музокараларни расмий делегациялар аъзолари иштирокида давом эттирдилар.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар жараёнида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро муносабатлар билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Музокаралар якунида Ислам Каримов ва Илҳом Алиев Қўшма баёнотни имзоладилар. Шунингдек, 2012-2015

йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликка доир ҳукуматлараро дастурни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ва икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик дастури имзоланди.

Икки давлат раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар самарали ва мазмунли ўтганини таъкидладилар, ташриф асносида имзоланган ҳужжатлар анъанавий дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга янги суръат бахш этишига ишонч билдирдилар.

Президент Ислам Каримов ташриф доирасида Фахрийлар қабристонини зиёрат қилди ва озарбойжон халқининг буюк фарзанди Ҳайдар Алиев қабрига гулчамбар қўйди. Давлатимиз раҳбари Шаҳидлар хиёбонидаги Шаҳидлар хотираси монументига гулчамбар қўйди. Ўзбекистон Президенти Озарбойжон давлат байроғи майдони, Ҳайдар Алиев номидаги марказ билан танишди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Озарбойжон Республикасидаги расмий ташрифи ниҳоясига етди.

**Анвар БОБОЕВ,**  
**ЎЗА махсус мухбири**  
Тошкент-Бокун-Тошкент

**«Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуга бағишланган халқаро конференциянинг чет эллик иштирокчилари шундай фикр билдиришмоқда. Улар шу йил 12 - 14 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган мазкур халқаро анжуман якунлари ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини мамлакатимизнинг хориждаги дипломатия ваколатхоналарига маълум қилишмоқда.**

Хусусан, «Pathfinder Trade and Invest» компаниясининг (Буюк Британия) бош ижрочи директори М.Томас конференция нафақат Ўзбекистон учун муҳим тadbир, балки халқаро миқёсдаги муваффақиятли воқеа бўлганини қайд этди. «Анжуманнинг мазмуни ва натижалари унда вакиллари қатнашган барча мамлакатлар учун муҳим аҳамият касб этди. Тadbир иштирокчилари ўзлари учун кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг тарраққиёти борасида янги гояларни кашф қилганликларига ишончим комил. Конференция доирасида турли мамлакатлардан келган маслақдошларим билан мулоқот қилиш имконияти ҳам мени қувонтирди», деди у.

Британиялик ишбилармоннинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг анжуманда сўзлаган нутқи унда катта таассурот қолдирди. «Мамлакатингиз раҳбари кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг давлат тарраққиётидаги ўрнини чуқур англайди. Бу соҳадаги муваффақиятлар кўлаб ижтимоий масалаларни, жумладан, нафақат Британия, балки бутун Европа учун долзарб аҳамиятга эга бўлган аҳоли бандлиги муаммосини ҳал қилишнинг мақбул йўлидир», дея қайд этди М.Томас.

## «ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ВОҚЕАДИР»

Конференция чоғида Бухорога уюштирилган сафар ҳақида сўзлар экан, М.Томас мазкур кўна шаҳар ўзида унутилмас таассуротлар қолдирганини айтди. «У ердаги кўна меъморий обидалар эҳтиёткорлик билан сақлангани ва ҳозирги вақтда ҳам шундай ажойиб ҳолатда тургани бевосита давлатингизнинг хизматидир, деди у. Ўзбек халқининг қадим маданияти ва аънавлари ҳам бу заминга қадим қўйган инсоннинг хотирасида абадий қолади. Мен Ўзбекистондек меҳмондўст мамлакатни ҳеч қачон кўрмаганман».

Британия шаходатли хисобчилар институтининг ижрочи директори Г.Картер Тошкентда бўлиб ўтган, кўп сонли иштирокчиларни ўз афроғига жамлаган мазкур халқаро анжуман юксак даражада ташкил этилганини эътироф этди.

«Мамлакатингизга сафарим давомида Ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан мулоқот қилиш имкониятига эга

бўлдим. Бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида институтимизнинг Ўзбекистон хисобчилик инфратузилмаси тараққиётига кўмаклашиши масалаларини муҳокама қилдик. Бизнинг ҳамкорлигимиз ҳам, шубҳасиз, янги иш ўринларининг яратилиши ҳамда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик тармоғидаги молиявий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади», деди у.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа ва янги мустақил давлатлар учун саноат тараққиёти бўйича дастури (ЮНИДО) раҳбари О.Мемедовичнинг фикр билдиришича, мазкур конференция ишида иштирок этиш унга нафақат мамлакатимиз эришган ижтимоий-иқтисодий муваффақиятларини ўз кўзи билан кўриш ва ишонч ҳосил қилиш, балки Ўзбекистоннинг бой маданий-тарихий мероси билан ҳам яқиндан танишиш имконини берди.

(Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва «Меҳр нури» жамғармалари томонидан таъсис этилган Таълим грантлари дастури ва Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури қўлибларини тақдирлашга бағишланган тadbир бўлиб ўтди.**

Он-лайн тарзда ташкил этилган тadbирда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимизда ёшларга пухта таълим-тарбия бериш, уларнинг эзгу орузинтилишлари, истеъдод ва қобилиятини юзга чиқаришга кўмаклашиш давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан амалга оширилаётган қатор лойиҳалар ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

2005 йилдан буён ўтказиб келинаётган Таълим грантлари дастури олий таълим муассасаларига шартнома асосида ўқишга кирган талабаларнинг бир йиллик шартнома пулини тўлаб бериш, Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури эса ўқиш жараёнида муваффақиятларга эришган ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Жорий йилда мазкур грантлар учун ўтказилган танловда тўрт минг нафарга

яқин талаба қатнашди ва уларнинг 237 нафари қўлиб бўлди.

Мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар кўп, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси Барно Дўсметова. — Бундай лойиҳаларда қатнашиш бизни янада фаолликка, изланиш ва камолотга ундайди.

Тadbирда танлов қўлибларига диплом ва сертификатлар топширилди.

Он-лайн мулоқотда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардаги ёшларга «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг маърифий лойиҳалари ҳақида атрофлича маълумот берилди. Шунингдек, яқинда Эронда футбол бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида қўлиб бўлган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоларига соғвонлар топширилди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт тadbирга файз киритди.

**Назкат УСМОНОВА,**  
**ЎЗА мухбири**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

Тadbирда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари, олимлар ва мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Мустақиллик йилларида мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солишдан қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун амалда қўлланилмоқда. Мамлакатимизда автомобилсозликнинг жадал ривожланиб, транспорт инфратузилмаси мустаҳкамланаётгани, янги автомобиль йўлларининг қурилиши бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу мақсадда «Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси томонидан «Сиёсий жиҳатдан етуқ раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш: амалиёт ва янги тажрибалар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Янгиқўрган туманидаги «Ибрат ривож меваси» фермер хўжалиги тасарруфига экинзор ва иссиқхоналарда йил давомида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Эндиликда бу ерда илғор технологиялар ёрдамида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва уларни бежирим идишларга қадоклаш ҳам йўлга қўйилди. Қишлоқ мулкдори Нўмонжон Умрзоқов саъй-ҳаракати билан амалга оширилган мазкур лойиҳа туфайли кичик корхонада кунига 10 тоннагача сабзавот қайта ишланмоқда. Бу эса ҳудуддаги деҳқон ва фермер хўжаликларида етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай қайта ишлаш имкониятини яратди. 12 киши меҳнат қилаётган цехда жорий йилда 600 тоннадан зиёд хом ашё қабул қилиб олинди. Ўтган қисқа фурсатда дастлабки 100 тоннадан ортиқ томат пастаси буюртмачиларга етказиб берилди.

● Янгийўл туманидаги болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Elnur&Ruslan Textile» хорижий компанияси ўз фаолиятини муттасил кенгайтирмоқда. Ўтган 3 йил мобайнида унинг «Bambino», «Simarik», «Elnur Bady» савдо белгилари остида сотувга чиқарилган кийим-кечаклари ички ва ташқи бозорда ўз харидорларини топиб улгурди. Бугун компания маҳсулотларининг 85 фоизи Европа ҳамда МДХ мамлакатларига экспорт қилинаётгани ана шунинг далолати.

● Оролбўйи минтақасида Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан «Йўқотилган денгиз: сабоқлар ва хулосалар» мавзусида медиатор ташкил этилди.

## ЖАҲОНДА

● Австриялик скайдайвер Феликс Баумгартнер қарийб 39 километрлик баландликдан муваффақиятли сакради. Баумгартнер стратосферага ҳаво шарига бириктирилган капсулада кўтарилди. Парвоз ўн дақиқа давом этди. Бундан аввал об-ҳаво шароитлари туфайли бир неча бор парвознинг вақти орта сурилган эди.

● Грузиянинг шарқий ҳудудларида 5,1 магнитудали зилзила содир бўлди. Бу мамлакат ҳудудида дам олиш кунларида кузатилган учинчи ва энг кучли зилзила бўлди. Маҳаллий ОАВ ана шулар ҳақида хабар берди. Журналистлар берган маълумотларга кўра, зилзиланинг эпицентри Озарбойжон чегарасидан бир неча километр узоқликда жойлашган бўлса-да, ер ости силкинишлари Тбилисида ҳам сезилган.

● Американин «Индевор» фазовий кемаси Лос-Анжелесдаги музейдан ўрин олди. Ўтган яшанбада кемани шаҳар кўчаларидан соатиға 3 километр тезликда олиб ўтишди. Буни минглаб томошабинлар кузатди. «Индевор» кемаси сиғиши учун маҳаллий ҳокимият вакиллари 400 та дарраҳтнинг кесиб ташлашга мажбур бўлди.

● Швецияда иқтисодиёт бўйича 2012 йилги Альфред Нобель номидаги мукофот совриндори эълон қилинади.

## ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Экологик ҳаракатида экологик назоратни таъминлашда нодавлат нотижорат

ташкilotлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаоллигини оширишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Тошкент Давлат иқтисодиёт институти қошидаги

Чилонзор академик лицейида ўқувчи-ёшлар ўртасида дин ниқобидаги экстремизм, миссионерлик ва оммавий маданият унсурларининг олдини олишга қаратилган «Маънавиятга таҳдид — ўзлимиз ва келажагимизга таҳдид» мавзусида

давра суҳбати ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташкил этилганлигининг 20 йиллигига бағишлаб матбуот анжумани ўтказилади.

**Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муҳофазасини таъминлаш – Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини изчил ислох қилиш борасида амалга оширилаётган муҳим вазифалардандир. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Ўзбекистоннинг барча ҳудудда мамлакатимиз аҳолисининг мазкур муҳим соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларга бўлган муносабатини аниқлаш мақсадида ижтимоий тадқиқот ўтказди.**

Мазкур ва олдинги сўровларнинг қийсий натижалари суд-ҳуқуқ ислохотларининг йўналишлари ва уларни амалга оширишнинг бориши тўғрисида жамиятимизда аҳолининг хабардорлик даражаси ошганидан далолат беради. Масалан, 2002 йилда фуқароларимизнинг 70 фоизга яқини ушбу ўзгаришлардан хабардор бўлган бўлса, 2012 йилги сўров маълумотларига кўра, бу кўрсаткич қарийб 90 фоизни ташкил этмоқда. Бундай ижобий ўсиш суръатлари мамлакатимизнинг барча ҳудуди ва аҳоли қатламлари орасида кузатиш мумкин.

Кўпчилик фуқаролар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзда тутилган масъулларни, авваломбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамлаб кўйилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга доир вазифаларни бажариш билан боғламоқда. Уларнинг фикрича, мустақилликка эришилган, давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган қонун устуворлиги ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглик принципи мамлакатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосини ташкил этади.

Сўров давомида олинган маълумотлар Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар самарали рўйбга чиқарилаётганидан яққол далолат беради. Ижтимоий тадқиқот иштирокчиларининг аксарияти улар ижобий натижалар бераётганини қайд этган. Ушбу самаралар қонунчиликни такомиллаштириш, фуқароларнинг муносабатлари, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва қонунга итоаткорлик даражасининг ошгани, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, кундалик ҳаётимизда ҳавфсизликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, давлат ва жа-

мият ҳаётининг кўплаб бошқа жабҳаларида яққол намойён бўлмоқда. Деярли барча фуқаролар (95,4 фоиз) давлатимиз раҳбарини Ўзбекистонда 2008 йил 1 январдан ўлим жазосини бекор қилиш, шунингдек, «Хабас корпус» институтини жорий этиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги қарорини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Фуқароларимиз ҳуқуқий демократик жамиятда яшашга ҳар бир одам муайян ҳуқуқий билим ва фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши лозимлигини тобора

## ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ – УСТУВОР

чуқур англамоқда. Ижтимоий мониторинг мамлакатимизда ҳуқуқни таъминлаш ва мустақил билим олишга бўлган интилиш кучайиб бораётганини кўрсатди. Сўров иштирокчилари, биринчи навбатда, яқинда мамлакатимизда 20 йиллиги кенг нишонланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини билиш зарур, деб ҳисоблайди. Уларнинг 90 фоизи «Конституция – мамлакатимизнинг Асосий Қонуни» ва «ҳар бир фуқаро уни билиши шарт», деган фикрда.

Сўров қатнашчиларининг фикрича, ислохотлар жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтлари ва давлат ташкилотлари фаолиятининг мунтазам такомиллаштирилиши фуқароларимизнинг қонуний ҳуқуқ-манфаатларини турли таҳдидлардан ҳимоялаш кафолатининг кучайишига хизмат қилади. Иштирокчиларнинг 94,4 фоизи фуқаролик ҳуқуқларининг бузилиши ва камситилиши мумкинлигидан ҳуқуқий жиҳатдан пухта ҳимоя

қилинганга ишонади. Шунингдек, мамлакатимиз аҳолиси таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ёрдам олиш, меҳнат, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари таъминланаётганини ҳам юқори баҳолайди.

Тадқиқот давомида суд-ҳуқуқ ислохотларининг амалга оширилиши натижасида фуқаролар ҳуқуқлари бузилган ёки камситилган ҳолларда, уларни ҳимоя қилиш ва қайта тиклаш тўғрисида турли даражадаги идораларга мурожаатлари адолатли ҳал этилишига қатъий ишонини аниқлади. Сўров иштирокчиларининг учдан икки қисмидан кўпроги шундай фикр билдирди. Фуқароларимизнинг бундай масалалар бўйича нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, балки Омбудсман институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар кўмиталари ва бошқа нодавлат ташкилотларга мурожаат қилаётгани диққатга сазовордир. Бу мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланаётгани, унинг институтлари роли кучайиб бораётганидан далолатдир.

Фуқароларимиз жиноятчиликка қарши кураш суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди. Аксарият сўров қатнашчилари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бу борада амалга ошираётган чора-тадбирлар юқори самара бераётганини қайд этди. Ижтимоий тадқиқот уларнинг бу йўналишдаги фаолияти ижобий баҳоланаётганини кўрсатди. Шунингдек, таъкидлаш керакики, мамлакатимиз аҳолиси одам савдоси, порахўрлик, уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳамда фуқароларнинг шахсий ҳавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни ҳам юқори баҳоламоқда.

Ўтказилган тадқиқот фуқароларнинг Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан давлат ва жамоатчиликнинг доимий назорати остида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчил амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётганига ишончи қоним эканини кўрсатди. Сўровда Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги мамлакатимизда барча жабҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли демократик тўб ўзгаришларнинг ажралмас қисми бўлган мазкур ижобий жараёни янада чуқурлаштиришни қўллаб-қувватлашга намойён бўлди.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎЗА мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади**

Зеро, ислохотлар кўп қиррали ва узок давом этадиган жараён бўлиб, унда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳамда олиб борилаётган ислохотларнинг сифати ва самараси кўп жиҳатдан жамоатчиликнинг иштирокига боғлиқ, шу жиҳатдан, уни шакллантиришда муайян ижтимоий институтларга, хусусан, оила институтига муҳим ўрин берилади. Бинобарин, жамиятда оила мустақамлигини ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Оила жамият аъзоларини, айниқса, ёш авлоднинг миллий истиқлол ғояси асосида тарбиялаш маскани сифатида муҳим аҳамият касб этиши билан бирга, у фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳам ҳисобланади.

Фуқаролик жамиятида оила ўзига хос ижтимоий бирлашмани ташкил этади. Оиланинг бу хусу-

**Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида қатор ишлар, хусусан, фуқаролик жамиятининг таркибий институтларини, унинг муҳим бўғини ҳисобланган оила институтининг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини мустақамлаш ва ошириш борасида туб ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.**

тимиз ва жамиятимиздаги мақомига бағишланган. Унда: оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги, никоҳ томонларнинг ихтиёрий роли ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши (63-модда); ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбур эканликлари, давлат ва жамиятнинг етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб,

занд тарбиясида ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ ҳуқуқий қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси ва бошқа ҳужжатларда ўз ифодасини толган.

Янги қурилаётган оилаларнинг мустақамлиги ва барқарорлигини ҳамда оилада соғлом муҳитни яратишда амалдаги Оила кодексига олдин мавзуд бўлмаган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш», «Никоҳ шартномаси» каби бир қатор институтларнинг киритилиши муҳим аҳамият касб этди. Бинобарин, мазкур нормалар бугунги кунда оилавий моҳорларни бар-тароф этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Оилани мустақамлашда фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий институти ҳисобланган маҳалланинг ўрни ҳар доим муҳим аҳамият касб этган.

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУСТАҚАМ ОИЛАНING ЎРНИ

жамиятнинг асоси, муҳим бир бўғини сифатида қаралади, бу нафақат шахсий масала, балки у ижтимоий аҳамият ҳам касб этади. Зеро, баркамол шахс – ҳар томонлама фаровон, мустақам оилада тарбия топади, улғаяди. Соғлом авлодни вояга етказиш, соғлом оилавий муҳитни шакллантириш давлат сифатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилган ҳам бежиз эмас.

Дарҳақиқат, биз адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда мақсад қилган эканмиз, жамоат бирлашмалари, нотижорат ва нодавлат ташкилотлари, жумладан, оиланинг муҳофазаси муҳим аҳамият касб этиб бораверади.

Чунки, бошқа мамлакатлардан фарқи ўлароқ оила институти юртимизда минг йиллар давомида синалган ва чуқур илдиз отган, шахсларни бирлаштириб турадиган ижтимоий ҳодиса сифатида ривожланиб келмоқда. Айниқса, унинг ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини сақлаб қолиш, уларни жиғлаштириш кафолати сифатида майдонга чиқарилганлигини яққол кўриб турибди.

тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаш, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантириш (64-модда); фарзандларнинг ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва болаликни давлат томонидан муҳофаза қилиниши (65-модда); вояга етган, меҳнатта лаёқатли фарзандларнинг ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбур эканликлари (66-модда) тўғрисидаги ушбу институтта оид конституциявий тамойиллар ва нормалар мустақамлаб кўйилган. Юқоридаги конституциявий нормалардан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимизда ҳар бир оила муқаддас қадриятимиз ва миллий бойлигимиз ҳисобланади. Ушбу институтнинг мустақамлиги ва барқарорлиги давлат ва жамиятимизнинг бутунлиги гарови сифатида Асосий Қонуни мизда эътироф этилган.

Сўнги йилларда юқоридаги конституциявий нормалар асосида Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оилани мустақамлаш ва турли имтиёزلар бериш борасида бир қатор муҳим норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оилани мустақамлаш, никоҳнинг барқарор бўлиши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фар-

занд тарбиясида ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ ҳуқуқий қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси ва бошқа ҳужжатларда ўз ифодасини толган.

Янги қурилаётган оилаларнинг мустақамлиги ва барқарорлигини ҳамда оилада соғлом муҳитни яратишда амалдаги Оила кодексига олдин мавзуд бўлмаган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш», «Никоҳ шартномаси» каби бир қатор институтларнинг киритилиши муҳим аҳамият касб этди. Бинобарин, мазкур нормалар бугунги кунда оилавий моҳорларни бар-тароф этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**Ш.САЙДУЛЛАЕВ, ТДЮИ катта ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди**



## Қизил Ярим Ой жамияти фуқароликдан

## БЕГАРАЗ ДОНОРЛИК АКЦИЯСИ – АМАЛДА

**Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури Глобал жамғармаси «Ўзбекистон Республикасида аҳолининг касалликка чалинишига мойиллиги юқори бўлган қатламларга қаратилган ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирлари кўламини кенгайтиришни давом эттириш» дастури бўйича ҳамкорлик алоқаларини ўрнатдилар.**

Бегараз донорликни Ўзбекистон Республикаси аҳолиси орасида тарғиб қилиш ва донорликка жалб этиш бўйича иштирокчи волонтерларни тайёрлаш мақсадида ҚАОЖ шаҳар ва вилоят ташкилотлари ушбу дастур бўйича амалий иш юрита бошлади.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ушбу лойиҳани ҳамкорликда амалга ошириш мақсадида 2012 йил июль ойида «Қон препаратлари» илмий ишлаб чиқариш корхонаси, Гематология ва қон куйиш ИТИ ҚҚС ҳамда Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали билан шартнома имзолади ва ишчи гуруҳлар тузилди. Шу ойдан бошлаб ҚАОЖ Тошкент шаҳар ташкилоти турли ташкилот, муассасалар ва маҳаллаларда бегараз донорлик кўламини кенгайтириш мақсадида қуйидаги ишларни амалга оширди.

Яқсарой туманида жойлашган «Ўзгеолити» ташкилотиди, Сергели туманидаги «Иккимил-чирингметалл» ҳамда 12-автосаройда бегараз донорлик тарғиботи ўтказилди ва сайёр гуруҳнинг тиббий машинаси томонидан иштирокчи равишда қон топиришни истаган донорларга иш жойининг ўзида хизмат кўрсатилди. Шу билан бирга «Олтинтепа», «Аҳиллик», «Янги Авайхон» маҳаллаларида ҳамда туман тиббиёт бирлашмасида аҳоли орасида бегараз донорлик тарғиботи бўйича учрашувлар ўтказилди.

Август ойида Алишер Навоий номи Ўзбекистон Миллий бонди бегараз донорликни ривожлантиришга бағишланган акция ўтказилди. Унда 300 дан ортиқ киши иштирок этди. Ушбу акцияда қатнашганлар бегараз донорлик ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлишди ва қон топиришни истаган донорларга йўланмалар берилди. Бу жараёнда 20 га яқин иштирокчи волонтерлар жалб қилинди.

Сентябрь ойи иш режасига мувофиқ Ҳамза туманида жойлашган 27-оилавий шифохонада, Юнусобод тумани меҳнат биржаси, Мирзо Улугбек туманидаги «Катта Ялангоҳ ота» ва Чилонзор туманида жойлашган «Хирмонтепа» маҳаллаларида «Донор кўни» акцияси ўтказилди. Ушбу тадбирларда маҳаллалар аҳолиси ўз хоҳишлари билан иштирокчи равишда донор бўлишди.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти бегараз донорлик тарғиботи ҳамда «Донор кўни» акциясини фаол давом эттириб келяпти. Ушбу савобли акцияга бегараз донорликни ихтиёр қилган барчани тақдир этишимиз.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

## «ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ВОҚЕАДИР»

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Бўлиб ўтган икки томонлама учрашувлар чоғида Ўзбекистонда ҳозирги пайтда амалга оширилаётган молиявий-иқтисодий ислохотлар ва ўзгаришлар юзасидан, шунингдек, қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш орқали ЮНИДО билан ҳамкорликни жадаллаштириш йўллари ҳақида фикр алмашилди», деди О.Мемедович.

**«AVK Group» компаниясининг (Австрия) минтақавий менежери С.Гатценгауэр** Тошкент анжуманидаги иштироки ўзи учун қимматли тажриба бўлганини маълум қилди.

«Мазкур конференция кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўмаклашиш юзасидан Ўзбекистонда қабул қилинган чора ва тадбирларни яққол намойиш қилди. Ўзбекистон раҳбарияти бошқа мамлакатлар ва уларнинг институтлари билан яқин ҳамкорлик қилгани ҳолда давлатнинг муваффақиятли тараққиётида мазкур тармоқнинг ўрнини тегаран англашига ишонч ҳосил қилдим. Ўйлашимча, мамлакатимиз тўғри йўналишда ва жадал ҳаракат қилмоқда», дея таъкидлади у.

**Австрия Ташқи ишлар вазирлигининг Болкон, Шарқий Европа, Жанубий Кавказ, Марказий Осиё масалалари бўйича департаментининг бошлиги Г.Гюрер** фикр билдирганидек, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётига устувор аҳамият берилаётгани ишбилармонлар синфини шакллантириш ишига муҳим ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, Г.Гюрер мазкур халқаро конференция юксак даражада ташкил этилганини ҳам қайд этди. Унинг айтишича, Тошкент анжумани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий тараққиётдаги аҳамияти қай даражада катта эканлигини намойён қилди.

«Жаҳон» АА

## ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур қонун лойиҳаси фуқаролар ҳаёти, саломатлиги ва мулкни муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, давлат ҳамда жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари ва принципларини белгилашга қаратилган.

Шу муносабат билан қонун қатор янги моддалар билан тўлдирилмоқда. Жумладан, унга 31-«Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари», 62-«Транспорт воситаларининг ёлланма ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқлари», 91-«Нодавлат нотижорат ташкилотларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини амалга оширишдаги иштироки», 111-«Автомобиль йўлларида сервис объектларини қуришда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш», 161-«Ходимларни йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари бўйича ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш ва билимларини текшириш ҳамда инструкторга ўтказиш иш берувчи томонидан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини белгилайди. Унга кўра, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун масъул бўлган раҳбар ходимлар ва шахслар уч йилда камида бир марта махсус дастурлар бўйича ўз малакасини ошириши ҳамда тегишли имтиҳон топшириши лозим.

Бундан ташқари, мазкур қонун лойиҳасида транспорт воситалари, уларнинг конструкциялари, таркибий қисмлари, қўшимча асбоб-ускуналари, эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмларини мажбурий ҳақида иккиламчи сертификатлаш, декларациялаштириш шартларига ҳам аниқлик киритилган.

«Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, автотранспорт воситаларига эга корхона ва ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш бўйича масъулиятини ошириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга хизмат қилади.

**Меҳрибон МАМЕТОВА, ЎЗА мухбири**

**17 октябрь куни пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» кўрғазми иш бошлайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларни маънавий ҳамда жисмоний камол топтиришга қаратилган чора-тадбирлар Дастури» доирасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил қилинган мазкур кўрғазма икки кун давом этади.**

## УЛКАН ИМКОНИАТЛАР НАМОЙИШИ

Унда шахримиздаги 100 нафардан зиёд саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, хунармандлар ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ёш тадбиркорлар иштирок этиши кутилмоқда.

Кўрғазма дастуридан «Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва тадбиркорларга яратилган имкониятлар», «Экспортга мўлжалланган товар ишлаб чиқарувчи субъектларнинг маҳсулотларини экспортга йўналтиришда кўмаклашиш чора-тадбирлари», «Божхона тўловларида тадбиркорлик субъектларига яратилган имтиёзлар ва божхона хизмати таллавлари», «Статистик ҳисоботларни бериш тартиблари ва тадбиркорларга яратилган имкониятлар» каби мавзуларда мутасадди ташкилотларнинг тақдими ўрин олган. Шунингдек, тадбир доирасида хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда кредит сибсати, хусусий тадбиркорлар учун яратилган солиқ имтиёзлари ва улардан фойдаланиш тартиблари бора-

сида батафсил маълумот олиш мумкин бўлади. Кўрғазма доирасида тадбиркорлар ва иштирокчилар учун солиқ, банк, молия, экспорт-импорт, статистика йўналишларида тақдиротлар ташкил этилиши ўз навбатида янги иш бошлаган тадбиркорларнинг фаолиятлари давомида юзага келаётган саволларга соҳа мутасаддиларидан тўғри жавоб олиш имконини беради.

Мазкур кўрғазманинг ўтказилиши мамлакатимизда истиқлол йилларида ёшларга имкониятлар эшиги кенг очилгани, эзгу ғояларни рўёбга чиқаришда уларга барча шароитлар яратилаётганлигининг яққол исботидир. Энг асосийси ота-боболаримизга муносиб ворис бўлиш учун ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиш, мустақиллиқни мустаҳкамлаш йўлида Ватанга садоқат билан хизмат қилишга интилиш, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш завқи билан яшашга ундайди.

Шаҳноза ҚУДРАТХҲАЕВА

## Фестиваллар

### САРТАРОШЛАРИМИЗНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТИ

**Сартарош ва косметологларимизнинг халқаро мусобақаларда доимо муносиб иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келишлари сир эмас. Санкт-Петербург шаҳрида уч кун давомида бўлиб ўтган «Нева соҳиллари» гўзаллик фестивалида ҳам уста сартарошларимиз ўз юксак маҳоратларини кўрсатдилар.**



Аввало ушбу фестиваль хусусида қисқача тўхталиб ўтганидан бўлса, ушбу анжуман ҳар йили икки марта ўтказилади ва Италия, Греция, Португалия, Франция, Англия, Германия, Финляндия каби давлатлардан мохир сартарош ва косметологлар катнашиб, соҳадаги илғор технологиялар ва энг янги соҳа турмакларини намойиш этадилар. Хусусан, соҳадаги «Видал сасон» машҳур компаниясининг усталари ва ҳақамла-

ри фестивалда доимо қатнашиб келадилар. Тадбир доирасида ҳар хил мастер класслар, семинарлар ташкил этилади, усталарнинг малакасини оширишга жиддий эътибор қаратилади. Яъни, фестивалда асосан ёшлар катнашиб, хизмат кўрсатиш маданияти, инсон чиройини ўзлаштиришади.

— Бу галги гўзаллик анжуманида ҳам Финляндия, Германия, Россия Беларуссия, Чехия, Молдова, Эстония, Латвия каби мамлакатлардан сартарошлар, косметологлар, ҳақамлар — жами 6,5 мингга яқин катнашчилар ўз маҳоратларини намойиш этиб, ғалаба учун кураш олиб боришди, — дейди Ўзбекистон сартарошлари жамоаси маъмури Фурқат Аҳмедов. —

Мухлису мутахассислар етакчи сартарошларнинг классик турмак, хайр тату, эlegant, оқшом учун классик турмак, классик техник турмак, модали диналик турмак, узун сочлар учун турмак, тўлиқ умумий кўриниш каби номинациялар бўйича ўзига хос маҳоратларидан баҳраманд бўлишди.

Тадбирда мамлакатимиздан асосан ёшлардан иборат 11 кишилик жамоа катнашди. Айтиш керакки, усталаримиз фестивалга жуда катта тайёргарлик кўришиб, ўз ишларига масъулият билан ёндашдилар.

Натижалар ҳам кутилганидан зиёда бўлди. Жумладан, Акбар Абдурахмонов бир йўла учта йўналиш — баланд баллар учун, техник классик ва техник эlegant бўйича учинчи ўринларни эгаллади. Бехруз Алимовга эса техник классик турмак, Ойбек Бобомуродовга ҳам узун сочлар турмаги бўйича учинчи ўрин насиб этди. Ўзбекистон жамоаси ҳам умумкоманда ҳисобида учинчи ўринни эгаллаган ҳолда махсус Кубок билан тақдирланди.

Дилшоҳ ИСРОИЛОВ  
СУРАТДА: Гўзаллик фестивали катнашчилари

## ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ САМАРАЛИ КУЧ

**Соғлиқ дунёдаги энг бебаҳо неъматлардан бири эканлиги исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. Илло, соғлом одамгина соғлом фикрлайди, соғлом фаолият юртади. Аммо турмуш ташвишлари билан бўлиб, саломатлик ҳақида қайғуриш баъзан ёдимиздан кўтарилади ёки бефарқлик қиламиз. Алал-оқибатда аъзон баданимиз бизга буйсунмай дардга тобе бўлгач, ноилж даволаниш чорасини қидирамиз.**

Таъкидлаш керакки, бугунги тиббиётнинг тиши ўтмайдиған касалликлар жуда камлиги боис аксарият беморлар шифокорнинг зарур муолажасидан кейин соғайиб кетади. Шунга қарамай терроризм, экологик тангликлар, уюшган жиноятчилик сингари глобал таҳдидлар қаторида айрим дардларнинг ҳам тилга олинаётгани саломатлигимизга янада эътиборлироқ бўлишимизни кўрсатмоқда. Бинобарин, жаҳон афкор оммасининг диққат марказида турган ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ҳақида худди шундай фикр юритиш мумкин.

Гиёҳвандлик домига тушган инсоннинг ундан халос бўлиши мушкул. Шу сабаб ёшлар орасида гиёҳвандликнинг ачинарли оқибатлари, қолаверса унга тобе бўлиб қолишдан сақланиш каби долзарб мавзуларда анжуманлар, суҳбатлар ўтказиш, профилактика ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ёшлар ҳар қандай ангилликка қизиқувчан бўлиши боис уларнинг салбий иллатларга берилиши ҳам нисбатан осонроқ. Маълумотларга кўра, гиёҳвандликка берилиш асосан 11-17 ёшлар орасида кўпроқ кузатилади экан. Оғуға ҳам жисман, ҳам руҳан тобе бўлган инсон нафақат ўзини, балки бошқаларнинг ҳам ҳаётини заҳарлашга қодир. Яъни битта гиёҳванд бир ҳафта ичида ўн нафар кишини мазкур иллатга жалб этиши мумкин.

Республика Эстрада цирк коллежида намойиш этилган «Оқ оғунинг қора қилмиши» номли спектакль ҳам ана шу иллатларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилганига билан ҳам аҳамиятли бўлди. Коллежнинг «Эстрада актёрлиги санъати» бўлими 3-босқич талабалари томонидан саҳналаштирилган спектакль йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

— Коллежда эстрада цирк, эстрада рақс, эстрада хонандлиги, эстрада чолгу ҳамда эстрада актёрлик санъати каби бешта йўналишда 540 нафардан зиёд ўқувчилар тахсил олмақда, — дейди Республика Эстрада цирк коллежининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Меҳринисо Холмуродова. — Коллежда ёшлар маънавий-ахлоқий юксалтириш, уларни ватанга муҳаббат, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, турли ёт таъсирлардан асраш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги глобаллашув шароитида дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан ёшларни ҳимоя қилиш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

М. Холмуродованинг таъкидлашича, коллежнинг актёрлик маҳорати бўйича ўқитувчилар, таниқли режисёр Малбина Ҳасанова томонидан саҳналаштирилган «Оқ оғунинг қора қилмиши» номли спектакли ҳам мазкур иллатнинг салбий оқибатларига бағишланди. Унда мўмай даромад топиш илтиқидда гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланувчи айрим нафси ҳақалак отган «ишбилармонларнинг» фаолияти ёшларнинг келажиги, тугилмак фарзандларнинг саломатлигига салбий таъсир қилаётгани таллабалар томонидан мохирона ижро этилди.

Гарчи одам иммунитет вирусини доволайдиган воситалар ҳозирча топиладан бўлмаса-да, бизнинг қўлимизда уларга қарши таъсирчан курул бор. Бу — хулқ-ахлоқимиз устидан мудом назорат ўрнатиб, ҳар хил эгри йўллардан тийилтириш. Бу «курул»дан самарали фойдалана оласанми эпидемиянинг пайи киркилади. У ҳақиқатан ҳам ОИВ инфекциясини ва гиёҳвандликка қарши курашда самарали ёрдамчи бўла олади. Шунинг учун бундай тадбирлар ёшларни турли ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, гиёҳвандлик иллатидан асраш ва унга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этади.

Фармонбек МАТНАЗАРОВ,  
«Туркистон-пресс»

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2012 йил 14 ноябрь куни соат 11:00 да объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСХ-1-69/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган куйидаги кўчмас мулклар савдога қўйилган:

1. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Кичик Ҳалқа йўли кўчаси, 5А-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 4 611 м.кв., фойдаланиш майдони 1 782,2 м.кв., тўртта бино ва иккита ҳовуз мавжуд бўлган «Чойхона» (Сабо тўйхонаси) биноси. Бошланғич нархи — 4 075 660 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 62-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 836,0 м.кв., 3 қаватли бинонинг биринчи қаватининг бир қисмида жойлашган «Маиший хизмат кўрсатиш» бино иншоотлари. Бошланғич нархи — 1 506 820 000 сўм.

3. Тошкент вилояти, Тузель Қ.Ф.Й.да жойлашган, умумий майдони 6 377,43 м.кв., қурилиш ости майдони 1 121,4 м.кв., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1 345,65 м.кв., бир қаватли, асосий бинолар сони 13 та, ҳозирги кундаги фактик асосий бинолар сони 11 та, кадастр ҳужжатида кўрсатилган жами 201,29 м.кв. бўлган қурилмалар, яъни ертўла биноси, хизматчи бино, қурилиш тугалланмаган устакхона, иккита бостирма бузиб ташланган «Автосарой» бино иншоотлари. Бошланғич нархи — 604 310 000 сўм.

4. Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Бурчмулла қишлоғи, Д. Тустемов кўчасида жойлашган турар жойнинг умумий майдони

792 м.кв., қурилиш ости участка майдони 730,4 м.кв., икки қаватли, асосий бинолар сони 2 та, ёрдамчи бинолар 7 та, биринчи қаватдаги омборхона яшаш ҳолатига келтирилиб, қайта таъмирланган дала ҳовли. Бошланғич нархи — 653 690 000 сўм.

5. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Марказ-5-мавзеси, 36-уй, 3 ва 7-хонадонларда жойлашган, умумий майдони 155,0 м.кв., тўққиз қаватли бинонинг биринчи қаватининг бир қисми, асосий хоналар сони 12 та бўлган «Сартарошхона ва дўкон» (офис). Бошланғич нархи — 379 280 000 сўм.

6. Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Ивлева кўчаси, 14-уйда жойлашган, бинонинг умумий майдони 748,0 м.кв., икки қаватли битта бино, ертўла ва учинчи қавати ҳужжатсиз қурилган «Меҳмонхона» бино иншоотлари. Бошланғич нархи — 1 192 050 000 сўм.

7. Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Яккачинор кўчаси, 10/2-уй, 17-хонадонда жойлашган, фойдали майдони 132,12 м.кв., асосий хоналар сони 4 та, яшаш хоналар майдони 78,37 м.кв., 5 қаватли бинонинг мансардаси бўлган уйнинг тўртинчи қаватида жойлашган, жиҳозлари ўрнатилмаган уй-жой. Бошланғич нархи — 274 680 000 сўм.

8. Наманган вилояти, Наманган шаҳар, 2-мавзесида жойлашган, ер майдони 0,29 га, қурилиш ости майдони 1 081,75 м.кв., ҳозирги кундаги биринчи ва иккинчи ер участкаларининг умумий майдони 0,59 га бўлиб, қурилиш ости майдони 3 999,30 м.кв. ни ташкил қилади, 8 шохобчадан иборат автоустакхона, 4 автомашинага мўлжалланган автоувиш шохобчасидан иборат савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси бинолари. Бошланғич нархи — 1 317 621 690 сўм.

9. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Чангалзор кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15 844,0 м.кв.,

умумий фойдаланиш майдони 2 892,30 м.кв., ўн бешта бинодан иборат «Ишлаб чиқариш ҳудуди» бино иншоотлари. Бошланғич нархи — 2 808 670 000 сўм.

II. Чилонзор туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ФИБ Учтепа туманлараро судининг 2012 йил 20 июндаги ҳал қилув қарори ва 10.07.2012 йил 10 июль кунги 1-1339/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Учтепа тумани, Чилонзор 26-мавзеси, 27-уй, 43-хонадонда жойлашган, 4 қаватли уйнинг 2-қаватида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 63,60 м.кв., яшаш майдони 47,68 м.кв., 4 та яшаш хоналаридан иборат уй-жой. Бошланғич нархи — 41 162 000 сўм.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулклар ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2012 йил 29 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланганига бир кун қолганда соат 17:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридан кам бўлмаган закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

### «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОС- ЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма- босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Олмалик шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. 07.09.2010 й. № 12895-сонли ижро ҳужжатиغا асосан 1980 й. и.ч «ЛУАЗ3959М» д/р 11 Д 3910. Бошланғич баҳоси — 1 356 863 сўм. 2. 08.09.2009 й. № 18577-сонли ижро ҳужжатиغا асосан 1982 й. и.ч «Ваз 21033» д/р 11 М 5206. Бошланғич баҳоси — 2 791 080 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 29 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога Олмалик шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 3. 17.09.2012 й. № 17944-сонли ижро ҳужжатиغا асосан 1991 й. и.ч «ГАЗ-Ваз-21063-СПГ», д/р 10 Е 270 ГА. Бошланғич баҳоси — 3 975 331 сўм. 4. 17.09.2012 й. № 17942-сонли ижро ҳужжатиغا асосан 1983 й. и.ч «Ваз-21061», д/р 01 А 046 LA. Автотранспорт воситалари Олмалик шаҳар АМТФКМИБда сақланмоқда. 5. 17.09.2012 й. № 17943-сонли ижро ҳужжатиغا асосан 2009 й. и.ч «Нексия Донс», д/р 10 Z 407 EA. 1-сонли ИИБда сақланмоқда. Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 6. 05.09.2012 й. № 8669-сонли ижро ҳужжатиغا асосан 1976 й. и.ч «МТЗ-80», д/р EB 04-69. Бошланғич баҳоси — 2 550 000 сўм. 7. 05.09.2012 й. № 8669-сонли ижро ҳужжатиغا асосан 1993 й. и.ч «Тиркама», д/р б/н. Бошланғич баҳоси — 500 000 сўм. «Бекободсавдо» МЧЖда сақланмоқда. Савдога Янгийўл тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 8. 31.05.2012 й. № 14396/3, 06.10.2011 й. № 10-1108/13082-сонли ижро ҳужжатиغا асосан 1990 й. и.ч «Форд Таурас», д/р 11 Т 3535. Бошланғич баҳоси — 11 609 000 сўм. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Қодирова кўчасида хусусий гаражда сақланмоқда.

Аукцион савдоси 2012 йил 13 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 13 ноябрь куни савдога сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 28 ноябрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатат қилишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### «КОСНАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 2011 йил 28 апрелдаги 1-34/11-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 11-уй, 156-хонадонда жойлашган, умумий майдони 110,14 м², фойдаланиш майдони 66,32 м² бўлган 5 хонали уй-жой такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 135 838 974 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 2 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2012 йил 31 октябрь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатат қилишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Коракмиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. Расмий сайтими: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

## МУСТАҚИЛ ВАТАН ЁШЛАРИМИЗ

Ўзбекистон тарихи Давлат музейида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, Тошкент шаҳар Турин политехника университети, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорлигида «Мустақил Ватан ёшларимиз» деб номланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда музей ходимлари, талабалар, профессор-ўқитувчилар билан бир қаторда, Италиянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси, жаноб Риккардо Макара, Ўзбекистон — Италия дўстлик жамияти раиси Бахтиёр Якубов ҳамда Ўзбекистон — Италия дўстлик жамиятининг фаол аъзолари қатнашдилар.

— Дунёнинг ҳеч бир бурчагида оилани биз ўзбекларча асрайдиган, уни муқаддас деб ҳисоблайдиган миллат топилмас керак. — Миллий қадриятларимизни асраб-авайлашда, юртининг тинч-тотув бўлишида, жамиятнинг ривожланишида оиланинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир, — деди жумладан ўз сўзида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши раиси, академик С. Фуломов.

Тадбир давомида сўзга чиққан Италиянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси, жаноб Риккардо Макара юртимизнинг кундан кунга чирой очиб бораётганини, тарихий обидаларимизни кўз қорачиғидай асраб келаётиб авлодга етказиб бериш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар, қолаверса, оиланинг мустақамлигини таъминлашда олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтди.

— Юртингиз бўйлаб сайр қилганимда Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларнинг жозибдорлиги мени жуда завқлантирди. Айниқса Самарқандда қад кўтарган меъморий обидалар, тарихий қадимжоларни кўриб ўзгача таассуротларга эга бўлдим, — дейди жаноб Риккардо Макара.

Шунингдек, Тошкент шаҳар Турин политехника университети талабаси Муслимбек Пирназаров ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси Азиза Абдулазизовалар ҳам Мустақам оила йилида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Алишер Навоий номли Давлат



академик катта опера ва балет театри директори, Ўзбекистон — Италия дўстлик жамияти раиси Бахтиёр Якубов Италия — Ўзбекистон мамлакатлари ўртасида дўстлик алоқалари борасида қилинаётган ишлар, ўзaro ҳамкорликнинг янада мустақамлишига хизмат қилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Тадбир якунида фаол иштирокчи ва талабалар Фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.  
Камола МАҲМЕДОВА

### Спорт янгилликлари

## ЧЕМПИОН ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Мамлакат XXI миллий чемпионатининг профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 22-тур баҳсларидан сўнг турнир жадвалидаги карвонбошилиқ яна «Пахтакор»га ўтди.

қучишини таъминлашди. Ушбу ўйиндан сўнг мавсумдаги ўзининг учинчи мағлубиятини тан олишга мажбур бўлган «Бунёдкор» иккинчи ўринга тушиб кетди.

Шунингдек, «Пахтакор» марказий стадионида азаллий рақиблар «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари ўзаро куч синашишди. Ушбу беллашув жорий йилда фақат чемпионликка интилаётган «Пахтакор» футболчиларининг тўлиқ устунлигида ўтди. Тўксон дақиқа давом этган

ўйинни кузатган мухлислар Абдуҳолиқов (2 та) ҳамда Маҳаррадзе томонидан «Нефтчи» дарвозасига киритилган голларнинг гувоҳи бўлишди. Учрашувда 3:0 ҳисобида ғалаба қозongan пахтакорчилар «Бунёдкор»дан икки очкога ўзиб кетишди.

Қолган баҳсларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Машъал» — «Динамо» — 2:0, «Андижон» — «Насаф» — 3:4, «Навбахор» — «Металлург» — 1:0, «Шўртан» — «Бухоро» — 0:1, «Қизилқум» — «Олмалиқ» — 2:1.

Қадим Чин мамлақати мезбонлик қилган «China Open» турнири мусобақаси охирига қадар ҳамюртимиз Денис Истомин зафарли одимлашда давом этди. Ўзбекистоннинг биринчи рақамли ракетка устаси Денис турнирнинг жуфтликлар мусобақасида аргентиналик шериги Карлос Берлок билан бирга финалга қадар йўлни мағлубиятсиз босиб ўтиб, бош соврин учун кураш олиб борди.

## БОШ СОВРИН УЧУН КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ушбу жуфтлик даставвал Максим Мирний (Беларуссия) Даниель Нестор (Канада) дуэтини 1-6, 6-3, 12-10 ҳисобида, иккинчи босқичда эса хиндистонлик Махеш Бхупати, Роҳан Бопанна жуфтлигини 6-2, 7-6 ҳисобида мағлуб этиб, ярим финалга чиқди. Финалга бериладиган йўлланма учун британиялик Колин Флеминг ва Росс Хатчинс жуфтлигини 6-2, 6-3 ҳисобида енгган Карлос Берлок (Аргентина) Денис Истомин (Ўзбекистон) дуэти, ҳал қилувчи баҳсда америкалик машҳур жуфтлик Боб ва Майкл Браяналарга қарши куч синашишди. Қизгин кечган баҳсда америкалик жуфтлик 6-3, 6-2 ҳисобида ғалабага эришди.

Шуни маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, Пекин турнирида жуфтлик мусобақаларида финалга қадар етиб келган Денис Истомин ҳамда Карлос Берлок, Шанхай шаҳрида бошланган Мастерс туркумига кирувчи халқаро турнирнинг яққалик баҳсларида бир-бирларига рўбарў келдилар. Шанхай (Хитой)да теннис бўйича ўтказилаётган «Шанхай Ролех Мастерс» нуфузли халқаро турнирида ҳамюртимиз Денис Истомин асосий турнинг дастлабки учрашувида муваффақиятга эришди. Аргентиналик Карлос Берлокка қарши кечган учрашувда Денис Истомин уч сет якунларига кўра 4-6, 6-2, 6-1 ҳисобида ғалаба қозониб, бош соврин учун курашини давом эттирмоқда. Иккинчи босқичда Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси швейцариялик Станислас Вавринкага қарши кортга чиқади.

Мазкур халқаро турнирда 13-рақам остида сараланган Станислас Вавринка биринчи турда Алберт Рамосни (Испания) 7-6, 7-6 ҳисобида мағлубиятга учратди. Эътиборлиси, агарда Денис Истомин иккинчи босқичда ҳам муваффақиятга эришса, учинчи босқичда дунё теннис жадвалида карвонбошилиқ қилаётган Рожер Федерер (Швейцария) билан баҳс юритиши мумкин. Бу учун Федерер ҳам иккинчи босқичда тайпейлик Ен-Сун Лю қаршилигини енгизиши лозим. Лондон (Буюк Британия)да бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида Денис Истомин учинчи босқичда Рожер Федерер билан рўбарў келган эди. Гарчи ўша учрашувда швейцариялик теннисчиси 7-5, 6-3 ҳисобида ғалаба қозongan бўлсада, ўйиндан кейинги матбуот анжуманида Федерер ушбу учрашув мurosасис курашларга бой бўлганлигини ҳамда Денис Истомин ўта кучли қаршилиқ кўрсатганлигини таъкидлаб ўтган эди.

Раббонақул МУХТОРОВ

## ДАВРОНБЕК — СОВРИНДОР

Беларусь пойтахти Минск шаҳрида дзюдо бўйича жаҳон кубоги мусобақаси уюштирилди.

Ушбу нуфузли турнирда иштирок этган ҳамюртимиз Давронбек Сатторов 90 килограммгача вазн тоифасидаги баҳсларда муваффақиятли иштирок этиб учинчи ўринни эгаллади ва бронза медали билан тақдирланди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Россиянинг Калининград шаҳрида футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида уюштирилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоаси юртимиз шарафини ҳимоя қилаётганидан мухлислар хабардор албатта.

## ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, амалдаги жаҳон чемпиони ҳисобланган Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки учрашувни ғалаба билан бошлади. Ўзбекистон ва Туркия терма жамоалари ўртасидаги беллашув 6:1 ҳисобида ҳамюртларимизнинг ғалабаси билан якунланди.

Энди вакилларимиз Япония, Либерия, Англия терма жамоалари билан куч синашишади.

## ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

Мухлисларга маълумки, футбол бўйича ёшлар ўртасида уюштирилаётган Осиё чемпионатида Аҳмаджон Мусаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам иштирок этади.

Ушбу нуфузли турнирда фақат совриндор бўлишга аҳд қилган Аҳмаджон Мусаев шогирдлари айна кунларда Саудия Арабистонида ўзбекистон ёшлар терма жамоалари ўртасида назорат-ўртоқлик

ларида иштирок этишмоқда.

Куни кеча ўқув-йиғин машгулотлари доирасида Саудия Арабистони ҳамда Ўзбекистон ёшлар терма жамоалари ўртасида назорат-ўртоқлик

учрашуви ташкил этилди. Шиддатли курашларга бой, қизиқарли кечган баҳс ҳамюртларимизнинг 2:1 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

## «Жаҳон чемпионати — 2012»

### БАЛЛИ, ЙИГИТЛАР!

Россияда ногирон-ампутантлар ўртасида давом этаётган футбол бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси мuddатидан олдин ярим финал йўлланмасини қўлга киритди.

Ҳамюртларимиз тўртинчи турда Англия терма жамоасини 4:2 ҳисобида енгди. Терма жамоамиз сардори Абдуҷамил Шукров ва Кудрат Худойкулов рақиб дарвозасига иккитадан тўп киритди.

Футболчиларимиз гуруҳдаги сўнгги учрашувни Украина терма жамоасига қарши ўтказди.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси

## 3-ОЗ ЎРГАНИДО ДОНО БЎЛУҶ

### МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Бизни бошига кўтарадиганларни оёқ учига кўрсатамиз оёқ учига кўрсатганларнинг пойига бош урамиз.

\*\*\*

Аслида ҳеч кимнинг кунига ярамаганлар ҳаммадан умидвор бўлади.

\*\*\*

Ҳаётнинг ўзи қарашларингни ўзгартиради.

\*\*\*

Ҳаёт йўлларида ким билан яқинлашиб, ким билан узоқлашиб бораверсан.

\*\*\*

Яхши ёмон бўлиши мумкин, лекин ёмон ҳеч қачон яхши бўлмайди.

\*\*\*

Инсон табиатининг тамал тоши оилада кўйилади.

\*\*\*

Ёлгон гапириш ожизлик ва нодонликдан.

\*\*\*

Доно ёлгонни ўзига эп кўрмайди.

\*\*\*

Сенга бировни ёмонлаган сени ҳам бировга ёмонлайди.

\*\*\*

Қандай қарор қабул қилишига қараб ҳам кишининг ақли ва тажрибасига баҳо бериш мумкин.

\*\*\*

Миннат пичоқсиз сўяди.

\*\*\*

Одамларнинг муносабати мавқеингга қараб ўзгариб туради.

\*\*\*

Нодоннинг ҳақиқатидан донининг ёлғони афзал.

\*\*\*

Инсоний ҳаётни яшаб ўтиш осон эмас.

\*\*\*

Ҳар ким билганини ҳақиқат деб ҳисоблайди.

\*\*\*

Одамларнинг гап-сўзини кўтариш, бу — донолик аломати.

\*\*\*

Қадр-қиммат сўраб олинмайди.

\*\*\*

Ақли ўткирнинг тили ҳам ўткир бўлади.

\*\*\*

Бир умр бошқаларни муҳокама қилиб ўтамиз — ўзимизни таҳлил қилишни ўйлаб ҳам ўтирмаймиз.

\*\*\*

Биз кўпинча сабабни унутиб, оқибатни айблаймиз.

\*\*\*

Ёмон тарбиянинг асорати нохуш бўлади.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

21-23 даража иссиқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 16 октябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10 даража илқ, кундузи 16-18 даража бўлади.

Газетанинг навбатдаги сони 17 октябрда чиқади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзбекистон 233-28-95, 236-57-65, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4858 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Буюртма Г- 1041

Тошшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.20